



**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.58.80.015>

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна,

*педагогика фанлари доктори, профессор, “Махалла ва оила” илмий тадқиқот
институти директори*

Ходжасёрова Бахора Акрамовна,

Самарқанд давлат университети илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ўқувчи-ёшларда креативликни ривожлантиришининг назарий-методологик асослари, жумладан, муаммонинг илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, креативликни ривожлантиришининг педагогик йўллари, педагогнинг креативлиги мезонлари, креативликни ривожлантиришининг мавжудназарий ва амалий моделлар ҳамда ижодкор шахсни ривожлантириши тизимини таомиллаштириши усуллари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: ўқувчи-ёшлар, креативликни ривожлантириши, назарий-методологик асослар, муаммонинг илмий-назарий, методологик асослари, педагогик йўллари ва педагогнинг креативлиги мезонлари.

**ТЕОРЕТИЧЕСКО - МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ
КРЕАТИВНОСТИ У УЧЕНИКОВ ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА**

Нодира Мелибаевна Эгамбердиева,

*доктор педагогических наук, профессор, директор научно-исследовательского
института “Макхалля и семья”*

Ходжасёрова Бахора Акрамовна,

Научный соискатель Самаркандинского государственного университета

Аннотация. В статье рассматриваются теоретико-методологические основы развития креативности у учеников подростков, в том числе уровень научно-теоретической разработанности проблемы, педагогические пути развития креативности, критерии креативности педагога, существующие теоретические и практические модели развития креативности, а также методы совершенствования системы развития творческой личности.

Ключевые слова: ученик подросток, развитие креативности, теоретико-методологические основы, научно-теоретические, методологические основы проблемы, педагогические пути педагога и критерии креативности.

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATION OF
DEVELOPMENT OF CREATIVITY OF PUPILS TEENAGERS.**

Egamberdiyeva Nodira Melibayevna,

*Doctor of Pedagogical Sciences, Professor; Director of scientific-research institute
“Makhalya and family”*

Khodjayorova Bakhora Akramovna,

Scientific researcher of Samarkand State University

Abstract. The article describes the theoretical and methodological bases of creative development of pupils, including the level of scientific and theoretical study of the problem,



pedagogical ways of developing creativity, criteria for creativity, existing theoretical and practical models of creative development and ways to improve the system of creative personality.

Keywords: Pupils, development of creativity, theoretical and methodological bases, scientific-theoretical, methodological bases of the problem, pedagogical ways and criteria of teacher's creativity.

Ижодкорликни ривожлантиришга болалиқдан пойдевор қўйилади ва таълим-тарбия воситасида такомиллаштириб борилади. Ўқувчи-ёшлардаижод қилишга қизиқиши ривожлантириш маълум маданий муҳитни яратиш асосида мустақил максад қўйиш, ўз фаолиятининг мазмуни-моҳиятини англаш, ижодкорлик қобилиятни шакллантиришибилан уйғун ҳолда олиб борилсагина самарали натижага эришиш мумкин. Ижодкор шахсни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш муаммонинг илмий-назарий, методологик асослари, педагогик йўллари ва механизмларини тадқиқ этишга бўлган талаб ва эҳтиёжни оширади.

Ижодкорлик эстетик, ахлоқий, миллий, экологик, хуқуқий, нутқ, меҳнат ва мулокот маданияти сифатида намоён бўлади ва турли-туман қобилиятларнинг ривожланиш даражасини англатади. У инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши, атроф-муҳит шароитида яшай олиш қобилиятини ифода этади ва жамият маданиятини ўзида акс эттиради.

Креативлик, шахс маданий қадриятларининг шаклланниши, ижодий қобилият, ижодий фаолият ва шахсни ўрганишга тизимли ёндашувга оид масалалар билан МДҲ олимлари ҳам шугулланганлар ва ўз тадқиқотларида турли самарали ечимлар топишга мувофақ бўлганлар. Масалан, С.Л.Рубиншtein[18], Т.А. Гартунг[10], С.П. Осипенко[19], И.К. Цҳай [20]ларнинг ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Ўсмирларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришга имкон берадиган маданий бўшлиқларнинг тўлдиришнинг назарий ва амалий моделлари ва бошқаларнинг изланишларида очиб берилган. Алоҳида илмий изланишларига тўхтаб ўтиш жоиз, чунки уларнинг тадқиқотларида замонавий умумтаълим умумий ўрта таълим мактабии ўқувчиларини креатив ёндашув асосида ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг педагогик имкониятларига ҳамда педагогик ишларда ижодкорлик ўсмирнинг қадриятли йўналишининг таркибий кисми сифатида белгиланишига тўхтаб ўтилган.

Шунингдек, креатив ёндашувни юқори синф ўқувчиларининг ўзини-ўзи шахсий ва ижодий ривожлантириш манбаи сифатидаги концепция (Е.В.Бугакова [8]), ўқув жараёнида ўсмирлар ижодкорлигини ривожлантиришнинг психологик шарт-шароитларни (О.А.Халифаева [25]), ижодкорликнинг когнитив асослари (И.К.Цҳай [20])ни ўрганишга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилган.

Инсон фаол ижодкорлик орқали ривожланади ва тараққиётга эришади. Ижодкорлик – инсон маънавий-рухий фаолиятининг чегараларини кенгайтиради. Инсон ижодий кўнималар, ақлий ва жисмоний меҳнат орқалигина ижодкор мақомига эга бўлади.

Олиб борилган илмий изланишларни таҳлил қилиш ҳамда креатив ёндашув асосида ўсмирларда ижодкорликни шакллантириш орқали уларни ижтимоийлаштириш муаммосини тадқиқ қилиш ушбу жараёнда ижодий йўналтирилган таълим муҳитида амалга ошириш учун мавжуд технологиялар, психологик-педагогик шарт-шароитлар ва имкониятларни уйғун тадбиқ этишни шарт қилиб қўяди.

Маданият ва таълимнинг ўзаро боғлиқлигини асословчи қонцепцияларни таҳлили қўйидаги жадвалда келтирилди:

№	Насадик из гомилир	Муаммалифигар
1	Маданийт из таълимнинг ўзаро боғлиқини, маданийт маданий тадқиқотлар	М.А. Ариевский [2], В.С. Бабкер [6], А.С. Запесоцкий [12], Н.Б. Крамова [15], Е. В. Синко [22].
2	Маданийт мувофиқлик ёндашувининг концептуал ҳамадалари	В.В. Красенский,
3	Татарим муддатда маданийт мувофиқлик ёндашувин ишмога сипараш таъсисчилари	И.Е. Видт [9].
4	Ўқитувчиликнинг мактабий маданийтни ривожлантириши	Е.И. Артемьева [3], В.А. Сакстенина [23]
5	Таълимнинг ишоретарини овонларни ва шахсий ўзинотларни таълим	Е.В. Бозоровская [9], В.И. Слободчиков [24], И.С. Янинская [26].
6	Шахсий ривожлантириши символ сифатида маданийтни овончи роши холда овонларни асослаш	С.С. Аверинцев [1], М.М. Баскин [4], В.С. Бабкер [6], Л.Н. Копан [16];
7	Ижодий таъсисчилар изкореннинг концептуал ҳамадий таълимнинг изкоренуали асослари	Ж.Гилфорд [11] ва А.В. Мирзозов [16], Д.В. Черкашинский [25].

Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташки олами ўзгаришига мослашиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенгизи, яъни туғилганидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ. Бу фаолият албатта шахс ижтимоийлашуви натижасини белгилаб беради. Жамият учун шахснинг ижодий имкониятларига устуворлик бериш билан боғлиқ ҳолда, замонавий таълимдаги асосий эътибор болани эркинлик ва индивидуалликка йўналтириш, ўз-ўзини назорат қилиш, янги ғояларга нисбатан очиқлик, ижодий ўйинларда иштирок этишга ундаш каби жиҳатларни рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ижодий фикрлаш ўқувчилардан ўқув топшириқ, масала ва вазифаларини бажаришда кўплаб янги ноодатий ғояларга таянишни талаб этади. Яъни, топширикни ёки масалани ечишда ўқувчи ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш). Шунга асосланиб айтиш мумкинки ўқувчи-ёшларнинг креативлиги уларнинг тафаккурида, мулокотида, хис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади, яъни креативлик шахсни яхлит ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди.

Э.П. Торренснинг фикрича, “креативлик” тушунчасига илмий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда куйидагича ёритади:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик [27].

Креатив педагогика ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш орқали синфда улардан самарали фойдаланишлари имкониятларини очиб беради. Ижодкорликни ўрганиш жараёнида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг интеллектуал ва психологик ривожланиши тизимларини шакллантириш муаммолари ишлаб чиқилган бўлиб, улар шахсий-ижодий фикрлаш услубининг таркибий қисмларини шакллантиришга қаратилган. Креатив педагогика билан боғлиқ муаммоларни, шахснинг ижодий салоҳиятини, ижодий таълимнинг концептуал асосларини ўрганиш катор илмий тадқиқот ишларининг обьектига айланган.

А.А. Мелик-Пашаев ўз тадқиқотларида ўн ёшгача бўлган боланинг ўспирин ёки



катталарга қараганда күпроқ ижодий имкониятларга эга эканлигини исботлады. Лекин муаммо шундаки, бу қобиляйтлар ривожлантирилмайды ва йўқолиб кетади. Анъанавий таълим ижодкорликни ривожланишига тўсқинлик қиласи ва кўпинча шахсни ижтимоийлаштиришда муаммоларга олиб келади.

Б. Ю. Большаковнинг сўзларига кўра умумий ўрта таълимни тугатганда ижодий фикрлайдиган болаларнинг 3 фоизигина сақланиб қолади.

Мавжуд таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўкувчиларда креатив компетентликни ривожлантиришнинг зарурый шарти авваломборпедагогларнинг креативлик потенциалга эгалигига боғлиқ экан. Айниқса, ўкувчи ижодий фаолиятининг дастлабки шарти ва натижаси ҳам ўқитувчининг креатив компитентликка эгалигидир.

Анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қиливчи янги ғояларни яратиши, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобиляйтларга эгалиги педагог креативлигини белгиловчи асосий мезонлардир. Мазкур мезонлар ўқитувчиларнинг ўзини-ўзи ижодий намоён қила олиш лаёкатига эгалиги ва унга тайёргарлик даражасини ҳам ифодалайди.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли ўкувчилар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўядилар. Бунинг сабаби таълим жараёнида қўлланилаётган методлар ўкувчиларда эркин, мустақил фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади. Ҳозирда креатив фикрлаш қобиляти нафақат ўкувчилар учун балки, ҳар бир мамлакатнинг келажаги учун зарурдир. Бу жараёни амалга оширадиган ўқитувчилар учун ҳам, чунки фақат ижодий ўқитувчи ижодий ўкувчини ўқитиши мумкин.

Ўқитишининг ижодий технологияларини ўзлаштириш ўқитувчиларга ўкув жараёнини моделлаштириш, инновацион ижодий технологияларни жорий этиш, ҳар бир ўкувчига индивидуал ёндашиш ва ундаги ижодий потенциални ўсишига имкон беради. Ижодий ўкувчиларни ўқитадиган ижодкор ўқитувчи ҳар бир ўкувчининг касбий ва шахсий ижтимоийлашувида, яъни жамиятда ўз ўрнини топишида етакчи ўрин тутади. Шунингдек, турли инқироз ва стрессларга бой даврда яшаётган ҳар бир инсоннинг ўзига хос мослашувчанлик қобиляти кретив педагогикага асосланиши лозим.

Педагог креативлик компитенциясига эга бўлиши учун касбий фаолиятда қуидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги ғояларни яратишида фоаллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкаслар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш.

Креативлик компетенциясига эга педагог ўзида қуидаги малакаларни намоён эта олиши лозим:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиши;
 - муаммонинг қўйилишини таҳлил қила олиши;
 - муаммони ҳал қилиш режасини тузиш;
 - муаммони ҳал қилишда тизимли методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш)ларни қўллаш;
 - муаммони ҳал қилиш усуулларини танлай олиш;
 - қабул қилинган карорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
 - муаммони ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
 - муаммони ҳал қилиш шароити;
- жараённинг бориши ва муаммонинг ечими якунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.

Педагогларнинг креативлик имкониятини аниқловчи мезонлар ва уларнинг даражалари касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кратив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилияtlари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади. Педагогнинг креатив потенциали билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ ва анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуидагиларда намоён бўлади: Тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги, янги гояларни яратиш қобилияти, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилиш, заковатли бўлиш.

Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуидагилар саналади:

- ташаббускорлик;
- креатив қобилиятга эгалик;
- креатив фаоллик;
- изланувчанлик.

Бугунги кунда педагогларга хос креатив сифат ва ижодий-педагогик фаолият малакаларини самарали ривожлантириш муҳим хисобланади. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларида креативлик сифатлари, ижодий-педагогик фаолият малакаларини ривожлантириш креативлик сифатларини шакллантиришга устуворлик бериш тамойили асосида иш кўриш ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият олиб боришни тақазо этади. Педагогларнинг креативлик имкониятларини аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даража кўрсатичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаб бориш мумкин бўлади. Шунингдек, мунтазам илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойихаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишга йўналтириш ўқитувчиларнинг креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Ўқитувчининг бу сифатлари қуидагиларда намоён бўлади:

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўнималарини ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илфор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қиласди;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойихаларни бажаришда фаол иштирок этади.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қиласар экан, педагогнинг ечим топишга ижодий ёндашиши унда хиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиши орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг креатив потенциали қуидаги таркибий асосларни ўз ичига олади:

1. Мақсадли-мотивацион ёндашув: ижодий-қадриятли, мотивфаолиятни ташкил этиш;
2. Мазмунли ёндашув: педагогик, психологик, маҳсус, инновацион;
3. Фаолиятли ёндашув: амалий, маҳсус, техник, технологик;
4. Рефлексив ёндашув: шахсий-ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўзини-ўзи таҳлил қилиш.

Ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотлар, ихтисослашган адабиётлар, методологик ва педагогик амалиёт натижаларини таҳлил қилиш асосида маълум бўладики ўқитувчи ҳам ўқувчи ҳам ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Уларнинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичига изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун



уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш талаби қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини-ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуидагиларни хулоса қилиш мумкин.

- бугунги кунда жамиятда ижодий қобилиятга эга шахсга бўлган юқори эҳтиёж мавжуд;
- креатив ёндашувга асосланган таълим муҳитини ташкил этиш замонавий умумий ўрта таълим мактабида ижодий-маданий тизимнинг мавжудлигига боғлик бўлиб қолмоқда;
- умумий ўрта таълим мактабида яратилган педагогик шарт-шароит ва методик база ўқувчининг шахсий ва ижодий ривожланиш манбаи ҳамда ижодкорлик воситасидир;
- замонавий умумий ўрта таълим мактабида ўқувчининг инновацион ижодий салоҳиятини шакллантиришга таълимнинг анъанавий шакллари ва технологияларидан фойдаланиш камсамарали ҳисобланади;
- умумий ўрта таълим мактабида таълимининг самарали креатив усуслари ва технологияларини оптималлаштириш ва ўқитувчилар малакасини ушбу йўналишда узлуксиз ошириб бориш зарурати мавжуд:

Ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш орқали ижодий маҳсулотларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Фойданилган адабиётлар

1. Аверинцев С. С. Попытки объясниться. Беседы о культуре / – М.: Правда, 1988. – 74 с.
2. Ариарский М. А. Прикладная культурология, Монография / С.-петерб. гос. ун-т культуры и искусств, Ассоц. музеев России. – СПб: Эго, 2001. – 287 с.
3. Артамонова Е. И. Развитие духовной культуры учителя: теория и методика/ – Моск. пед. гос. ун-т. – М.: Прометей, 2000. – 127 с.
4. Бахтин М. М. Личность и творчество М.М. Бахтина в оценке русской и мировой гуманитарной мысли – Том I. / Сост., вступ. ст. и коммент.– СПб.: РХГИ, 2001. – 552 с.
5. Бондаревская Е. В. Теория и практика личностно-ориентированного образования– Ростов-на-Дону. Издательство Ростовского педагогического университета, 2000. – 352 с.
6. Библер В. С. От наукоучения – к логике культуры (Два философских введение в двадцать первый век) / – М.: Издательство политической литературы, 1991. – 414 с.
7. Библер В. С. На гранях логики культуры: Книга избранных очерков / – М.: Русское феноменологическое общество, 1997. – 423 с.
8. Бугакова Е. В. Творческое саморазвитие старшеклассника в креативном образовании: автореф. дис. ... канд. пед. наук:– Оренбург, 2011. – 23 с.
9. Видт И. Е. Образование как феномен культуры: Эволюция образовательных моделей в историко-культурном процессе: дис. д-ра пед. наук – Тюмень, 2003. – 344 с.
10. Гартунг Т. А. Развитие креативности подростков средствами дисциплин гуманитарного цикла: автореф. дис. канд. пед. наук:– Тюмень, 2008.–22 с.
11. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта// Психология мышления. – М., 1965. – 534 с. – С. 433-456.
12. Запесоцкий А. С. Дмитрий Лихачёв – великий русский культуролог / – СПб: ГУП, 2007. – 291 с.
13. Коган Л.Н. Социология культуры – Екатеринбург: Изд-во УрГУ, 1992. – 117 с.
14. Краевский В. В. Соотношение педагогической науки и педагогической практики

- /– М.: Знание, 1977. – 64с.
15. Крылова Н. Б. Культурология образования. Новые ценности образования.– М., Народное образование. – 2000. – 272 с.
16. Морозов А. В. Формирование креативности преподавателя высшей школы в системе непрерывного образования: дис. д-ра пед. наук. – М.: РГБ, 2005. – 445 с.
17. Морозов А. В., Чернилевский, Д. В. Креативная педагогика и психология /– М.: Академический проект, 2004. – 560 с.
18. Рубинштейн, С. Л. Принцип творческой самодеятельности:// Вопросы психологии. – № 4. – 1986. – 101-107 с.
19. Оsipенко С. П. Динамика развития креативности младших школьников в творческих объединениях: дис. канд. псих. наук: – Курск, 2008. – 215с.
20. Цхай И. К. Личностные и когнитивные аспекты креативности: дис.... канд. псих. наук:– М.: РГБ, 2003
21. Цхай И. К. Личностные и когнитивные аспекты креативности: дис.... канд. псих. наук:– М.: РГБ, 2003
22. Сайко Э. В. Субъект: созидатель и носитель социального /– М.; Воронеж, 2006. – 424 с.
23. Сластенин В. А., Исаев, И. Ф. Педагогика: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений /– М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 576 с.
24. Слободчиков В. И. Антропология образования: ее возможность и действительность// Психология обучения: дайджест рос. и зарубеж. прес-сы. – № 2. – М.: Соврем. гуманитар. ин-т, 2007.
25. Халифаева О. А. Психологические условия развития креативности подростков в учебно-воспитательном процессе: дис... канд.псих.наук– Астрахань, 2007. – 173 с.
26. Якиманская И. С. Основы личностно ориентированного образования / – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2011. – 221 с.
27. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – 4 c.
- 28.
- 29.